

**“UzGasTrade” акциядорлик жамиятида 2023 йилнинг 12 ойи давомида
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати
тўғрисида маълумот**

“UzGasTrade” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият)га 2023 йилнинг 12 ойи давомида жами **95 та**, жумладан, **28 та** ёзма, **64 та** электрон ва **3 та** оғзаки мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, мазкур мурожаатларнинг **44 таси** Ўзбекистон Республикаси Президентига веб-сайт, ишонч телефони ва виртуал қабулхона орқали йўллаган мурожаатлардир. Ушбу мурожаатларни кўриб чиқишда мурожаатларга тегишли тартибда жавоб хати бериш билан биргаликда, ҳар бир мурожаатчи билан Жамиятнинг ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан жойига чиққан ҳолда учрашувлар ўтказилиб ёки Жамият ходимлари томонидан мулоқот ўтказилиб, мурожаатида кўрсатилган масалалар юзасидан тушунтиришлар берилган ва бу ҳақда тегишли далолатномалар расмийлаштирилган.

Бундан ташқари **50 тадан ортиқ** мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, Жамият фаолиятига тегишли бўлмаганлиги сабабли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 25-моддасига асосан, тегишлилигига кўра мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда натижаси бўйича мурожаат муаллифига жавоб хати тақдим этиш учун қайтарилган.

Мурожаатларнинг барчаси тегишли тартибда рўйхатга олиниб назоратга олинган ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига асосан тегишли тартибда кўриб чиқилган.

Келиб тушган **95 та** мурожаатнинг **74 тасига** тушунтириш жавоб хатлари берилган, **21 та** мурожаат юзасидан тегишли чоралар кўрилган, мурожаатларни кўриб чиқишда муддат бузилишларига йўл қўйилмаган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг
муурожаатлари билан ишлаш
бўлими бошлиғи



А. Ниязметов
29.01.2024 й